| O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI TOSHKENT VILOYATI QUYI CHIRCHIQ TUMAN HOKIMI | | ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҚУЙИ ЧИРЧИК ТУМАН ХОКИМИ |
|---|---|---|

# Q A R O R

2018 йил 26 сентябр № 1883 Дўстобод шахри.

**Ижтимоий муҳофазага муҳтож иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни 2019 йилда ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 5-6-сон 97-модда) 17-моддаси, Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил 29-30-сон, 277-модда) 25-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сонли карори билан тасдикланган Ўзбекистон Республикасида Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисидаги низомга асосан ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналадиган шахсларга ишга жойлаштириш учун туманда 2019 йил учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш мақсадида,

## Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Ўзбекистон Республикаси "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонунининг 17-моддасига асосан ижтимоий ҳимояга муҳтож, иш топишда қийналадиган шахсларни ишга жойлаштириш учун тумандаги корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар учун ходимларнинг рўйхат бўйича ўртача сонидан ташкил этадиган 10 фоиз миқдорида - 215 кишини ташкил этади, шу жумладан:

ногиронларга-3 фоиз, -6 киши;

ўн тўрт ёшга тўлмаган болалари ва ногирон болалари бор ёлгиз ота, ёлгиз оналарга хамда кўп болали ота-оналарга – 31,3 фоиз - 67 киши;

таълим муассасаларини тамомлаган ёшларга – 49,7 фоиз, - 107 киши;

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларидан, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги қўшинларидан бўшатилганларга – 4,4 фоиз, - 9 киши;

пенсия ёшига якинлашиб қолган шахсларга – 1,7 фоиз, - 3 киши;

жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки суд қарори билан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларига тортилган шахсларга - 6,10 фоиз, - 15 киши;

бошқа тоифаларга – 3,8 фоиз, - 8 киши, шундан - сафарбарлик чақируви захирасига киритилган шахслар - 2 киши, кичик ёшли болалари бўлган ишламаётган аёллар - 6 киши миқдорида иш ўринлари захираси белгилансин.

2. 2018 йилда ижтимоий муҳофазага мухтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини 2019 йил учун банд қилиб қўйиш лозим бўлган корхона, ташкилот ва муассасалар рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарларига ижтимоий муҳофазага мухтож ва иш топишда қийналадиган шахсларни иш билан таъминлаш учун 2018 йил якунланишидан 10 кун олдин квота иш жойларини умумий миқдорининг камида 25 (йигирма беш) фоизи учун, 2019 йилнинг 10 апрелидан кечикмай иш жойларининг қолган 75 (етмиш беш) фоизини барпо этиш (ажратиш ёки банд қилиб қўйиш) тўғрисидаги, яъни хар бир квота тоифаси бўйича иш ўринлари банд қилиб қўйиладиган касблар ва лавозимлар, мутахассисликлар кесимидаги маълумотларни ва мазкур қарор бўйича чиқарилган буйруқ нусхаларини туман Бандликка кўмаклашиш марказига тақдим этиш вазифалари юклатилсин.

4. Иш ўринларини банд қилинган корхона ва ташкилотлар томонидан 2019 йил 1 апрелига қадар банд қилинган иш ўринларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2014 йил 15 сентябрдаги 263 – сонли қарорига асосан белиланган тартибда аттестациядан ўтказиш амалга оширилсин.

5. Корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари ижтимоий муҳофазага мухтож ва иш топишда қийналадиган шахслар учун иш жойларининг кўрсатиб ўтилган миқдорини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сон қарори билан тасдикланган Ижтимоий муҳофазага мухтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ белгиланган муддатларда ва тартибда яратилишини (ажратилишини ёки банд қилиб қўйилишини) хамда иш жойлари санитария

гигиена нормаларига ва ходим ўз мажбуриятларини бемалол бажаришини таъминлайдиган меҳнат шароитларига мувофиқ бўлишини таъминласинлар.

6. Ушбу қарор ижроси бажарилмаган тақдирда корхона, ташкилот ва муассасаларнинг мансабдор шахсларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сон қарори билан тасдиқланган Ижтимоий муҳофазага мухтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 22-бандига мувофиқ жарима солиниши белгилансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сон қарори билан тасдиқланган Ижтимоий муҳофазага мухтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисидаги низомга асосан ижтимоий муҳофазага мухтож ва иш топишда қийналаётган шахслар учун банд қилиб қўйиладиган иш ўринларини туман ҳокими томонидан белгиланган миқдордан ортиқча ташкил этган ташкилотлар ушбу иш ўринларини ташкил этишга сарфланган маблағларининг бир қисмини туман Бандликка кўмаклашиш маркази билан тузилган шартнома асосида Бандликка кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплаш ҳуқуқига эга эканликлари инобатга олинсин.

8. Туман Бандликка кўмаклашиш маркази (Ш.Хайдаркулов) бир ҳафта муддатда мазкур қарорни тегишли корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарларига етказсин хамда унинг бажарилиши устидан қатъий назоратни таъминласин.

9. Қуйи Чирчик туман ҳокимининг 2017 йил 20 сентябрдаги “Ижтимоий муҳофазага мухтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тўғрисида”ги 1412-сон қарори 2018 йил 31 декабрдан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

10. Мазкур карор расман эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

11. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг иқтисод ва тадбиркорлик масалалари бўйича биринчи ўринбосари (Т.Ахмедов) зиммасига юклатилсин.

**Туман хокими** **С.Муродов**

Қуйи Чирчиқ тумани ҳокимининг
2018 йил "____" _____даги
"____" сонли қарорига илова

Қуйи Чирчиқ тумани бўйича пастимони ҳимояга мухтож шахслар учун квоталаш ва иш ўринларининг миқдори белгиланган корхона ва ташкилотлар

РЎЙХАТИ

| № | Ташкилотлар номи | Тизимдаги ишловчилар сони | Умумий банд қилинадиган иш жойлари | шу жумладан | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | ногиронлар | Етим ота, ёлғиз она ҳамда 14 ёшгача ва ногирон болалари бор кўп болали ота-оналар | Таълим муассасаларини тугатган ёшлар | Муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар | Пенсия ёшига яқинлашиб қолганлар | Жазони ўташ муассасаларидан бўшатилганлар | Сафарбарлик чақируви эҳтиросига кирилган шахслар | Кичик ёшли болалари бўлган ишламаётган аёллар | Одам савдосидан жабрланганларни ижтимоий ва ҳуқуқий билан таъминлаш | Пастимони ҳамкасбларидан ёрдам кутаётган шахслар |
| 1 | 1-сонли мактаб | 41 | 1 | | 1 | | | | | | | | |
| 2 | 2-сонли мактаб | 70 | 2 | | 1 | 1 | | | | | | | |
| 3 | 3-сонли мактаб | 27 | 1 | | 1 | | | | | | | | |
| 4 | 4-сонли мактаб | 74 | 2 | | 1 | 1 | | | | | | | |
| 5 | 5-сонли мактаб | 33 | 2 | | 1 | 1 | | | | | | | |
| 6 | 7-сонли мактаб | 26 | 1 | | 1 | | | | | | | | |
| 7 | 8-сонли мактаб | 43 | 2 | | 1 | 1 | | | | | | | |
| 8 | 9-сонли мактаб | 27 | 1 | | 1 | | | | | | | | |
| 9 | 10-сонли мактаб | 52 | 2 | | 1 | 1 | | | | | | | |
| 10 | 11-сонли мактаб | 116 | 2 | | | 2 | | | | | | | |
| 11 | 12-сонли мактаб | 30 | 2 | | 1 | 1 | | | | | | | |
| 12 | 13-сонли мактаб | 46 | 2 | | 1 | 1 | | | | | | | |
| 13 | 16-сонли мактаб | 49 | 2 | | 1 | 1 | | | | | | | |
| 14 | 17-сонли мактаб | 37 | 2 | | 1 | 1 | | | | | | | |
| 15 | 18-сонли мактаб | 37 | 1 | | 1 | | | | | | | | |
| 16 | 19-сонли мактаб | 57 | 1 | | 1 | | | | | | | | |
| 17 | 21-сонли мактаб | 31 | 1 | | 1 | | | | | | | | |
| 18 | 23-сонли мактаб | 41 | 1 | | 1 | | | | | | | | |
| 19 | 24-сонли мактаб | 35 | 1 | | 1 | | | | | | | | |
| 20 | 25-сонли мактаб | 48 | 1 | | 1 | | | | | | | | |
| 21 | 26-сонли мактаб | 58 | 1 | | 1 | | | | | | | | |
| 22 | 27-сонли мактаб | 64 | 1 | | 1 | | | | | | | | |
| 23 | 28-сонли мактаб | 64 | 1 | | 1 | | | | | | | | |
| 24 | 29-сонли мактаб | 28 | 1 | | 1 | | | | | | | | |
| 25 | 30-сонли мактаб | 34 | 2 | | 1 | 1 | | | | | | | |
| 26 | 31-сонли мактаб | 41 | 2 | | 1 | 1 | | | | | | | |
| 27 | 32-сонли мактаб | 25 | 1 | | | 1 | | | | | | | |
| 28 | 33-сонли мактаб | 67 | 2 | | 1 | 1 | | | | | | | |
| 29 | 34-сонли мактаб | 28 | 1 | | | 1 | | | | | | | |
| 30 | 35-сонли мактаб | 64 | 2 | | 1 | 1 | | | | | | | |
| 31 | 36-сонли мактаб | 60 | 2 | | 1 | 2 | | | | | | | |
| 32 | 37-сонли мактаб | 47 | 2 | | 1 | 1 | | | | | | | |
| 33 | 40-сонли мактаб | 33 | 1 | | | 1 | | | | | | | |
| 34 | 41-сонли мактаб | 34 | 1 | | | 1 | | | | | | | |
| 35 | 43-сонли мактаб | 35 | 1 | | | 1 | | | | | | | |
| 36 | 44-сонли мактаб | 49 | 2 | | 1 | 1 | | | | | | | |
| 37 | 45-сонли мактаб | 61 | 2 | | 1 | 1 | | | | | | | |
| 38 | 46-сонли мактаб | 40 | 2 | | 1 | 1 | | | | | | | |
| 39 | 47-сонли мактаб | 55 | 2 | | 1 | 1 | | | | | | | |
| 40 | 48-сонли мактаб | 76 | 2 | | 1 | 1 | | | | | | | |
| 41 | 49-сонли мактаб | 72 | 2 | | 1 | 1 | | | | | | | |
| 42 | 50-сонли мактаб | 31 | 2 | | 1 | 1 | | | | | | | |
| 43 | 51-сонли мактаб | 34 | 2 | | 1 | 1 | | | | | | | |
| 44 | 1-сонли МТМ | 22 | 1 | | | 1 | | | | | | | |
| 45 | 2-сонли МТМ | 39 | 2 | | 1 | 1 | | | | | | | |
| 46 | 3-сонли МТМ | 36 | 2 | | 1 | 1 | | | | | | | |
| 47 | 4-сонли МТМ | 32 | 2 | | 1 | 1 | | | | | | | |
| 48 | 5-сонли МТМ | 42 | 2 | | 1 | 1 | | | | | | | |
| 49 | 7-сонли МТМ | 33 | 2 | | 1 | 1 | | | | | | | |
| 50 | 8-сонли МТМ | 62 | 2 | | | 2 | | | | | | | |
| 51 | 9-сонли МТМ | 29 | 1 | | | 1 | | | | | | | |
| 52 | 10-сонли МТМ | 27 | 1 | | | 1 | | | | | | | |
| 53 | 11-сонли МТМ | 27 | 2 | | | 2 | | | | | | | |
| 54 | 12-сонли МТМ | 23 | 2 | | | 2 | | | | | | | |
| 55 | 13-сонлиМТМ | 33 | 2 | | | 2 | | | | | | | |
| 56 | 15-сонли МТМ | 31 | 2 | | | 2 | | | | | | | |
| 57 | 16-сонли МТМ | 25 | 2 | | | 2 | | | | | | | |
| 58 | 20-сонли МТМ | 25 | 2 | | | 2 | | | | | | | |
| 59 | 4-сонли Болалар мусиқа санъат мактаби | 57 | 1 | | | 1 | | | | | | | |
| 60 | 21-сонли Болалар мусиқа санъат мактаби | 27 | 1 | | | 1 | | | | | | | |
| 61 | Баркамол авлод болалар маркази | 32 | 2 | | 1 | 1 | | | | | | | |
| 62 | Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби | 55 | 2 | | 1 | 1 | | | | | | | |
| 63 | Балиқчи ХЖ | 417 | 20 | 1 | 8 | 3 | 5 | | 1 | 2 | | | |
| 64 | ДСЭНМ | 84 | 2 | | | 2 | | | | | | | |
| 65 | Йўлдардан фойдаланиш унитар корхонаси | 56 | 2 | | | | 2 | | | | | | |
| 66 | Халқ банки | 53 | 2 | | | 2 | | | | | | | |
| 67 | Агробанк | 35 | 1 | | | 1 | | | | | | | |
| 68 | Туман Тиббиёт бирлашмаси | 1163 | 62 | 4 | 10 | 36 | 2 | 2 | 2 | | 6 | | |
| 69 | Ободонлаштириш бошқармаси | 124 | 8 | | 2 | 2 | | | 4 | | | | |
| 70 | Тоза ҳудуд ДЎК | 51 | 4 | | | 1 | | | 3 | | | | |
| 71 | Мустақиллик пахта тозалаш ХЖ | 381 | 10 | 1 | 3 | 2 | | 1 | 3 | | | | |
| 72 | Ирригация бўлими | 57 | 3 | | | 1 | | | 2 | | | | |
| 73 | Ветеринария бўлими | 28 | 1 | | | 1 | | | | | | | |
| | жами | 5126 | 215 | 6 | 67 | 107 | 9 | 3 | 15 | 2 | | | |